

TARIX VA JAMIYAT

HISTORY AND SOCIETY
ИСТОРИЯ И ОБЩЕСТВО
общественный электронный
ЖУРНАЛ

—
JOURNAL
2022

№3

Бош муҳаррир:

Пардаев А.Ҳ. ЖДПИ, тарих факультети декани, т.ф.н. доцент.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ақчаев Ф.Ш. ЖДПИ, тарих факультети, т.ф.б.ф.д. (PhD), доцент.

Масъул котиблар:

Саидов Ж.О. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

Хўжанова М. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

Таҳририят аъзолари:

1. Сагдуллаев А.С. – тарих фанлари доктори, Академик,
2. Аҳмедшина Ф.А. – тарих фанлари доктори, профессор,
3. Шодмонова С.Б. – тарих фанлари доктори, профессор,
4. Очилова Б.М. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
5. Чориев С. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
6. Туленова Г. Ж. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
7. Пардаев М.Ҳ. – тарих фанлари доктори, доцент,
8. Ғойибов Б.С. – тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
9. Ярмагов Р. – педагогика фанлари доктори (DSc), доцент,
10. Саидқосимов А.И. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент,
11. Амануллаев А. – ф.ф.б. фан доктори (PhD), доцент,
12. Тошбоев Ф.Э. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
13. Миркомиллов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент,
14. Саидов М. – фалсафа фанлари номзоди, доцент,
15. Ғофуров Ж. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
16. Ҳошимхонов М.Х. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент
17. Валиев А.Х. – катта ўқитувчи,
18. Мажидов А.С. – катта ўқитувчи,
19. Каримова Н. – ўқитувчи,

Тарих ва Жамият илмий журнали
ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА
ҚАРАТИЛАЁТГАН ЮКСАК ЭЪТИБОР ХУСУСИДА

Умирова Наргиза Исматуллаевна
ЖДПИ I- босқич магистранти
Илмий раҳбар: Ф.А.Ахмедшина,
тарих фанлари доктори, профессор

Аннотация: Мазкур мақолада республикада хотин-қизларга яратилаётган имкониятлар қонунчилигимизда қатъий мустаҳкамлаб қўйилганлиги, Гендер тенглиги масаласини ҳал этиш жамиятда аёллар ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши хусусидаги фикр-мулоҳазалари ўрин олган. Шунингдек унда республикада аёллар аҳволини яхшилаш, уларнинг ижтимоий ҳимояланишини кучайтириш, ушбу тоифа вакилларининг жамият ривожига ва давлат бошқарувидаги фаоллигини ошириш масалаларига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Гендер тенглиги, хотин-қизлар, ҳақ-ҳуқуқ, БМТ, YUNESKO, Декларация, Президент, Парламент, дискриминация, конвенция

Аннотация. Данная статья раскрывает возможности, созданные для женщин в нашей стране, прочно закрепленные в нашем законодательстве, и важность решения вопроса гендерного равенства в обеспечении прав женщин в обществе. А также он направлен на улучшение положения женщин в стране, усиление их социальной защиты, развитие общества и повышение активности этой категории лиц в системе государственного управления.

Ключевые слова: Гендерное равенство, женщины, права, ООН, ЮНЕСКО, Декларация, Президент, Парламент, дискриминация, конвенция.

Annotation: This article contains the author's views on the opportunities created for women in our country, which are firmly enshrined in our legislation, and the importance of addressing the issue of gender equality in ensuring women's rights in society. It also focuses on improving the situation of women in the country, strengthening their social protection, development of society and increasing the activity of this category of people in public administration.

Key words: Gender equality, women, rights, UN, UNESCO, Declaration, President, Parliament, discrimination, convention

Бугунги кунда Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўймоқда. Фуқаролар юртимизда кечаётган ислохотларни рўёбга чиқаришнинг фаол иштирокчисига айланмоқда. Ҳозирги вақтда давлат ва жамият бошқарувининг барча босқичларида танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом, қабул қилинаётган ҳар бир қонун, фармон ва қарор, жорий

Тарих ва Жамият илмий журнали

этилаётган янгиликка онгли муносабат биринчи ўринга чиқиб, ишчанлик муҳити кенг қарор топиб бораётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Ўзбекистонда олиб борилаётган чуқур ислохотлар халқаро экспертлар томонидан “шиддатли мўъжизавий ҳолат” деб баҳоланмоқда[5:59].

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 23 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида нутқ сўзлаган эди. Президентимиз БМТ минбаридан сўзлаган ўз нутқида жамиятни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида янги Ўзбекистон шаклланаётгани ҳақида фикр билдириб, “Биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги парламентимизда аёллар сони икки баробарга кўпайди”[2],- деб таъкидлади.

Кўпчилик, “гендер тенглиги” иборасини эшитганда, уни, албатта аёллар билан боғлайди. Хотин-қизлар Ер юзи аҳолисининг ярмини ташкил этади. Шундай экан, гендер тенглик, яъни эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқчилиги инсоннинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Айнан шу омил жамиятда тинчликни таъминлаш, барқарор ривожланиш асосида инсоний салоҳиятни рўёбга чиқаришда муҳим ўрин тутди.

Хотин-қизларни, болаларни комиллик сари етаклаш вазифаси тарихдан маълумки, аёл устозлар зиммасида бўлган. Имом Бухорий, Термизий, фалакиёт илми билимдони Мирзо Улуғбек, қомусий олим Абу Али Ибн Синонинг улуғ олим бўлишларига маърифатли аёллар, мўътабар оналар сабабчидирлар. Навоийдек шоирларни ҳам, Мирзо Бобурдек ҳукмдорларни ҳам ана шундай оналар тарбия қилишган[3:66].

Бир ҳақиқат аёнки, ҳар қандай халқнинг маънавий даражасини, аввало, шу юрт аёлларининг маънавий савияси белгилайди. Юқорида айтганимиздек, буюк сиймоларнинг ҳаётига назар ташласак, уларнинг шахс сифатида камол топишида меҳрибон оналари, доно рафиқалари ғоят муҳим роль ўйнаганини кўрамиз.

Қомусий олим Абу Али Ибн Сино ўзининг “Тадбири манзил” асарида ўн еттита фазилат эгаси бўлган аёлни “олий мартабали аёл” деб ҳисоблаган. Булар: оқилалик, иймон-эътиқодлилиқ, шарми-хаёли бўлиш, ор-номуслилиқ, зийрак ва фаросатлилиқ, ёқимтойлиқ, ўз эрига меҳр-муҳаббатли бўлиш, бетгачопар бўлмаслиқ, эзмалиқ қилмаслиқ, итоаткорлиқ, дили поклик, эрининг орқасидан ғийбат қилмаслиқ, покизалиқ, вазминлиқ, жиддий ва улуғворлиқ, оғир дамларда жуфтига малҳам бўлиш ва меҳрибонлиқ хислатларига эга бўлишдир[4:274].

Муқаддас Қуръони Каримнинг энг катта сураларидан бири-“Нисо”, яъни “Аёллар” деб аталади ва бу бежиз эмас. Аллоҳ таоло ушбу сурада инсонларни

Тарих ва Жамият илмий журнали

аёлларга адолатли муносабатда бўлишга даъват этади ва бу илоҳий сўзлар замирида теран ҳикмат мужассам[5:59]. Яқин вақтларгача оилада кузатиладиган зўравонликлар (оилада ҳуқуқ тартибининг бузилиши) ҳақида гапирилмас эди. Ҳозирги вақтда бутун дунёда қанчадан-қанча аёллар ўзларига яқин бўлган инсонлар (эри, қариндош-уруғлари) томонидан таҳқирланиб, хўрланиб, камситилаётганлиги ҳақида маълумотлар бор.

1993 йил Венада бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференцияси ўз Декларацияси ва Ҳаракат дастурида инсоният тарихида биринчи марта “инсон, аёллар ва қизлар ҳуқуқлари инсоннинг умумий ҳуқуқларининг ажралмас, таркибий ва бўлинмас қисми эканлигини эълон қилди. Шунинг учун ички (миллий), минтақавий ва халқаро даражаларда сиёсий, фуқаролик, иқтисодий, жамоатчилик ва маданий ҳаётда аёлларнинг тўлиқ ва тенгма-тенг иштирокига эришиши, шунингдек, жинсига қараб дискриминация (камситиш)ларнинг барча кўринишларига барҳам бериш халқаро жамоатчиликнинг биринчи галдаги мақсадлари ҳисобланади”[6;40]. Аёлларга нисбатан сиёсий, фуқаролик ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётда миллий, минтақавий ва халқаро даражада, шунингдек, жинс белгиси бўйича камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш жамиятнинг биринчи галдаги вазифаларидир. Гендер тенглиги масаласини ҳал этиш жамият учун аёллар ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, жамиятнинг барча соҳаларида, яъни иқтисодда, сиёсатда, ижтимоий ҳаётда жамият барча аъзоларининг, шу жумладан, аёлларнинг эркаклар билан тенг имкониятлари таъминлаб берилмас экан, бу жамиятда аёллар ҳуқуқларини таъминлашга оид вазифалар ижобий ҳал этилмоқда, деб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам, ХХI асрга келиб халқаро майдонда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида турли халқаро конференциялар ўтказилмоқда. Уларда аёллар ҳуқуқларига оид муаммолар ўрганилмоқда ва аёлларнинг жамиятдаги иштирокини янада кенгроқ таъминлаш ҳамда уларнинг барча ҳуқуқларига амал қилишга қаратилган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Ана шундай таклиф ва тавсиялар асосида эса давлатлар томонидан бажарилиши лозим бўлган халқаро шартномалар ишлаб чиқилмоқда ва давлатлар томонидан имзоланмоқда. Уларга 1967 йилги “Хотин-қизларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги декларация”, 1979 йилги “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенсия”, “Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенсия”, БМТнинг 1993 йилги “Аёлларга нисбатан зўрликлар ва жабр-зулмларга барҳам бериш тўғрисида”[6:2022 yil 4 mart]ги Декларацияси, Халқаро меҳнат ташкилоти, YUNESKO каби халқаро ташкилотларнинг ҳужжатларини мисол келтириш

Тарих ва Жамият илмий журнали

мумкин. Аёллар ҳуқуқлари ва эркинлигини халқаро ҳуқуқий ҳимоя қилишга, бу аёллар муаммоларини муҳокама қилиш ва уларни ҳал этиш мақсадида ташкил этилган халқаро конференциялар, аёллар ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро механизмлар киради.

Сезиладики, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари қайсидир жабҳаларда амалга ошмаслиги кўпроқ жамиятда илдиз отган қолип тушунчалар-стереотиплар билан боғлиқ. Уларни ўзгартириш-мураккаб ва кўп вақт талаб қиладиган жараён. Бунинг учун, ёш авлоднинг ҳам, қолаверса, катталарнинг ҳам дуёнёқарашини тўғри шакллантириш лозим бўлади.

БМТ томонидан қабул қилинган “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси ана шундай ҳолатларни бартараф этишга йўналтирилган ҳужжатлардан биридир. Ўзбекистон 1995 йилда ушбу Конвенцияни ратификация қилган ва бизнинг юртимизда ҳам мазкур Конвенция шартларига ҳамда унинг андозасида ишлаб чиқилган бир қатор миллий ҳужжатларга амал қилинади [7:36].

Мустақиллик шарофати билан хотин-қизлар масалалари, яъни республикада аёллар аҳволини яхшилаш, уларнинг ижтимоий ҳимояланишини кучайтириш, ушбу тоифа вакилларининг жамият ривожига ва давлат бошқарувидаги фаоллигини ошириш-давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Хусусан, 1996 йилда Биринчи Президент Ислон Каримов томонидан “Ўзбекистон Республикасида аёллар аҳволини яхшилаш тўғрисида”ги концепция, 1999 йилда “Аёлларнинг ижтимоий ҳимояланишини кучайтиришга қаратилган қўшимча чоралар тўғрисида”ги ҳамда 2004 йил 24 майда “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида”ги фармонлар қабул қилинди. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”ги 2003 йил 29 августда қабул қилинган қонун билан хотин-қизларга Парламентда иштирок этиш учун кенг имкониятлар яратилди, яъни 30% лик квота эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи полковник Ш.Т.Икрамовнинг маърузалар тўпламида таъкидланишича, 2013 йилга келиб мустақил Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари, жумладан аёл ҳуқуқлари бўйича 60 га яқин халқаро ҳужжатларга қўшилди. Бундан ташқари, БМТ томонидан мазкур соҳада қабул қилинган олтита асосий халқаро шартнома иштирокчисига айланди[4:274]. 1998 йилнинг- Оила йили, 1999 йил-Аёллар йили, 2001йил- Оналар ва болалар йили, 2016 йилнинг-Соғлом она ва бола йили деб эълон

Тарих ва Жамият илмий журнали

килиниши, мазкур йилларда оилани мустаҳкамлаш, аёлларнинг жамиятдаги ўрнини кўрсатиш, соғлом, оқила хотин-қизлар авлодини вояга етказиш йўлида хайрли ишларнинг амалга оширилганлиги фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Республикамизда хотин-қизларга яратилаётган имкониятлар қонунчилигимизда қатъий мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Бош қомусимизнинг 18-моддасида: “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар...” дейилиши, шунингдек 46-моддада “Хотин-қизлар ва эркалар тенг ҳуқуқли” эканлигининг таъкидланиши оила аталмиш кўрғонда, жамиятимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонуний жиҳатдан қафолатланганлигини англатади [9:17].

Узоққа бормаёлик, 2021 йили пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги Конгресс-холлда 8 март - Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев сўзлаган нутқида: “Аёлларимиз орасида таниқли давлат ва жамоат арбоблари, жумладан, ўнлаб сенатор ва депутатлар, вазир ва ҳокимлар, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, академиклар, профессорлар, Ўзбекистон халқ шоирлари, Халқ ўқитувчилари, Халқ артистлари, нодавлат ташкилотларнинг фаол вакиллари борлиги барчамизни қувонтиради.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бошқарув тизимида аёлларнинг улуши 33 фоизга етди. Юртимиз бўйича бир ярим мингга яқин хотин-қизлар турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Хусусан, ташкилотчи ва ташаббускор опа-сингилларимиз 6 та туманда ҳоким вазифасида, юзлаб ҳудудларимизда ўринбосар ва маслаҳатчи лавозимларида самарали фаолият кўрсатмоқда. Йирик корхоналар, банклар ва компаниялар, тадбиркорлик субъектларини бошқармоқда”, -деб алоҳида таъкидладилар [10].

Яна шу ўринда эътироф этиш керак, Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Ҳолбуки, бундан 5 йил аввал биз бу борада 128-ўринда эдик [11:406].

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ислохотларнинг мазмун-моҳияти, ривож ва истиқболини белгилаб берувчи кўпгина омиллар қаторида “хотин-қизлар” омили алоҳида ўрин тутади. Ўз истиқболини ўйлаган ҳар қандай давлат олиб бораётган ички сиёсатида хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратади. Чунки, аёллар жамият истиқболини белгилаб берувчи, унинг кадрларга бўлган ва эҳтиёжини

Тарих ва Жамият илмий журнали

кондирувчи, илм-фан ютуқларини ижтимоий ҳаётга жорий этиш орқали тараққиётни белгилаб берувчи қудратли кучдир.

Умуман, хотин-қизларнинг давлат ҳамда жамият қурилишидаги иштирокини кенгайтириш, ижтимоий-иқтисодий, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларга эътиборни кучайтириш талаб этилади. Жумладан, хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг даражада давлат ҳамда жамият бошқарувига оид долзарб масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишдаги иштирокини кучайтириш лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясида сўзлаган нутқини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш. Т.: Маънавият, 2021.59-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидаги нутқи. // “Халқ сўзи”, 2020 йил 24 сентябрь.
3. Маҳмудов Ў. Эрта турмуш-келтирар ташвиш. “Имом Бухорий сабоқлари” журнали. №1, 2015.66-б.
4. Икромов Ш.Т. Юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик ва жасорат фазилаитларини камол топтириш. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2013.274-б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясида сўзлаган нутқини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш. Т.: Маънавият, 2021.59-б.
6. Nematova N.Q. Ayollar huquqlarini xalqaro-huquqiy himoya qilish .40-bet. Xotin-qizlarni tazyiq va zo‘ravonlikdan himoya qilishning ma’naviy-huquqiy asoslari // Xalqaro ilmiy-amaliy onlayn konferentsiya materiallari .2022 yil 4 mart.
7. Nematova N.Q. Ayollar huquqlarini xalqaro-huquqiy himoya qilish .41-bet. Xotin-qizlarni tazyiq va zo‘ravonlikdan himoya qilishning ma’naviy-huquqiy asoslari // Xalqaro ilmiy-amaliy onlayn konferentsiya materiallari .2022 yil 4 mart.
8. Оила-чинакам бахт тимсоли. //“Аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш марказлари” ходимлари, маҳалла маслаҳатчилари ҳамда Хотин-қизлар қўмиталари фаоллари учун қўлланма. Т.: 2016.36-б.
9. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2015.17-б.
10. “Халқ сўзи” газетаси, 2021 йил 9 март.
11. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари. 4-жилд. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020.406-б.